

Этнология фанида ўзбек халқ дostonларининг этнографик манба сифатида ўрганилиш тарихшунослиги (мустақиллик даври мисолида)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» дostonи яратилганлигининг 1000 йиллиги тўғрисида»ги қарори¹ мустақиллик шароитида ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини тарихий-этнографик ва фольклоршунослик нуқтаи-назардан илмий тадқиқ этиш учун кенг йўл очиб берди. Масалан, Т. Мирзаев², М. Муродов ва А. Эргашев³, М. Жўраев⁴, Ж. Эшонқул⁵, Ш. Турдимов⁶, С. Давлатов⁷, Н. Қуранбоева⁸, О. Исмонова⁹, Л. Худайкулова,¹⁰ Ф. Нурманов¹¹ларнинг илмий рисола ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг “Алпомиш” дostonининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 1999 йил 6 ноябрь.

² Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Т.: «Фан», 2008. – Б. 410.

³ Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома (1) (Сурхондарё талқини. – Т.: «Меҳнат», 1999. – Б. 485.

⁴ Жўраев М. Сехрли рақамлар сири. – Т.: «Ўзбекистон», 1991. - ; Яна ўша. “Келин тушди” маросими. – Т.: Республика халқ ижодиёти маркази, 2002; Яна ўша. Соч магияси ва у билан боғлиқ маросимлар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва назарий методологик ёндашувлар. – Т.: 2004. – Б. 190-198; Яна ўша. Миф, фольклор ва адабиёт. – Т.: «Фан», 2006.

⁵ Жаббор Э. Фольклор: образ ва талқин. - Қарши. «Насаф», 1999. – Б. 172.

⁶ Турдимов Ш. “Тўрўғли” дostonининг генезиси ва тажрий босқичлари. – Т.: “Фан”, 2011. – 320 б; Турдимов Ш., Эшонқулов Ж. Навруз нашидаси. Тадқиқот мажмуа. (Ж. Эшонқулов билан ҳамкорликда). – Т.: “Фан”, 2009. – 260 б; Яна ўша; “Алпомиш” дostonида Алплик тизими / “Алпомиш” – ўзбек халқ қахрамонлик эпоси. – Т.: “Фан”, 1999. – Б. 157-163; Яна ўша; Шажара сабоғи // Тафаккур. – Т.: 2010. - № 1. – Б. 92-103; Яна ўша; “Тўрўғли” дostonи ва қуёш топинчи билан боғлиқ тасаввурлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2011. - № 1. – Б. 72-79; Яна ўша; “Тўрўғли” эпосида Райхон араб образи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2011. - № 2. – Б. 15-20; Яна ўша; Қўпқари // Соғлом авлод учун. – Т.: 2011. - № 2. – Б. 26-28; Яна ўша; “Тўрўғли” дostonидаги туғилиш мотивининг баъзи узвлари хусусида мулоҳазалар // Ўзбек фольклоршунослик масалалари. – Т.: Фан, 2011. Тўртинчи китоб. – Б. 98-107; Яна ўша; “Тўрўғли” дostonида эпик от образи // Филология масалалари. – Т.: 2011. - №2. – Б. 116-121; Яна ўша; Turk dunyasinda Albasti // Turk dunyosi incelemeleri dergesi. Izmir, 1999. - № 3. – S. 261-267; Яна ўша; Sakibulbul timsali uzerine dusunceler // Turk dunyosi incelemeleri dergesi. – Izmir, 2011. - № 1. – S. 79-84.

⁷ Давлатов С. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1996. - Б.13-18;

⁸ Қуранбоева Н.Р. Хоразм тўй қўшиқлари: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1998;

⁹ Исмонова О. Ўзбек тўй маросим фольклорида «келин салом» жанри (генезиси, ўзига хос хусусиятлари ва поэтикаси): Филол. фанлари номз. дисс. - Тошкент, 1999.

¹⁰ Худайкулова Л. Сурхондарё тўй маросим фольклорининг ўзига хос хусусиятлари // ФарДУ илмий ахборотномаси. – Фарғона, 2005. – 3-сон. – Б. 32-34 (М. Жўраев билан ҳамкорликда); Яна ўша; Сурхондарё тўй маросим фольклорининг ўзига хос хусусиятлари // ФарДУ илмий ахборотномаси. – Фарғона, 2005. – 3-сон. – Б.32-34 (М.Жўраев билан ҳамк.); Яна ўша; «Ойна кўрсатар» удумининг этнофольклорий таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2005. – 5-сон. – Б. 60-63; Яна ўша; Тўй маросим қўшиқлари - маънавият дурдонаси // Касбий таълим тараққиёт йўлида. 8-сон. – Тошкент, 2006. – Б.66-68; Яна ўша; Маросимнома (ўзбек халқининг урф-одат ва маросимлари ҳақида қисқача маълумотнома). – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. 20 б.т. (М.Жўраев билан ҳамкорликда); Яна ўша; Рождение ребёнка и связанные с ним обряды в узбекском фольклоре // Филологические науки: вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2010. - №3. – С.166-169; Яна ўша; Surhanderya Bolgesi Ozbek Sunnet Dugunlerinin Folkloru // Turk dunyasi incelemeleri dergisi. – Ege Universitesi Basimleri, Bornova. – Izmir, 2010. – sayi. – S.151-163; Яна ўша; «Чанки» удуми ва унинг Сурхон воҳаси маросим фольклоридаги талқини //

мақолалари шулар жумласидандир. Айниқса, сўнгги пайтда нашр этилган Т.Мирзаевнинг асарида¹² мустақиллик шароитида ўзбек халқ дostonлари ва дostonчилик анъаналарни ўзига хос адабий-бадий жиҳатларидаги ўхшашлик ва фарқли томонлар келтириб ўтилади.

Фольклоршунос олимлар М.Муродов ва А.Эргашевларнинг асарида «Алпомиш» дostonида талқин этилган кўнғирот этник гуруҳининг 64 та бўлим ва шоҳобчалардан иборат эканлиги, зардўштилик маросими билан боғлиқ қадимий тушунчалар ва эътиқодлар, расм-русумлар кўп учрайди. Ишда уруғчилик муносабатлари,¹³ бешиккerti,¹⁴ фотиҳа тўйи маросимларининг¹⁵ дoston вариантларидаги талқини хусусида ҳам фикр юритилади.

Биз тадқиқ қилаётган масалага яқин ишлардан яна А.Эргашев ва Г.Омоноваларни рисоласи¹⁶ бўлиб, унда халқнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, расм-русумлари дostonларда қандай акс этганлиги ва ўша қадриятларнинг никоҳ маросими тизимида тутган ўрни ҳақида баҳс

«Буюк шоир ва мутафаккир» мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, ТДПУ, 2011. – Б.159-161. 18; Яна ўша; Сурхон воҳаси тўй маросими этнографизмлари // «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент, 2011. - Б. 177-179; Яна ўша; Культ «момо» и связанные с ним обряды в Узбекском фольклоре // Этнографическое обозрение. – Москва, 2011. - № 2. – С. 44-50; Яна ўша; Surhanderya Bolgesi Ozbek Sunnet Dugunlerinin Folkloru // Turk dunyasi incelemeleri dergisi. – Ege Universitesi Basimleri, Bornova. – Izmir, 2010. – sayi. – S.151-163.

¹¹ Нурманов Ф. Алишер Навоий дostonларида Хизр образи. “А.Навоий ижоди ва тараққиёт масалалари” мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари. Навоий – 2001. Б. 73-74; Яна ўша; Хизр ҳақидаги халқ қарашлари Фольклоршунослик (ўзбек халқ оғзаки бадий ижодига доир тадқиқотлар) №1 Навоий – 2003. - Б. 39-41; Яна ўша; Хизр ҳақидаги халқ қарашлари Фольклоршунослик (ўзбек халқ оғзаки бадий ижодига доир тадқиқотлар) №1 Навоий – 2003. Б. 39-41; Яна ўша; Ўзбек халқ эртақларида Хизр образи талқини «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 2003 йил, 1-сон. Б. 61-65; Яна ўша; Хизр образи генезисига доир айрим мулохазалар «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали 2004 йил 2-сон. Б. 51-54; Яна ўша; Алишер Навоий ижодида “Хизр суйи” иборасининг символик функционал хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган “Давлат тили ва умуминсоний қадриятлар” мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари Навоий-2004. Б. 99-100; Яна ўша; Сув култи ва унинг Хизр образи талқинидаги бадий ифодаси Педагогик маҳорат 2005 йил, №1. Б. 43-48; Яна ўша; Алишер Навоий дostonларида айрим мифологик образларнинг поэтик талқини. Филологик тадқиқотлар (илмий мақолалар тўплами) №1 Навоий – 2006. Б. 132-135.

¹² Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Т.: «Фан», 2008. – Б. 410.

¹³ Муродов М., Эргашев А. «Алпомишнома». 1. (Сурхондарё талқини). – Т.: «Меҳнат», 1999. - Б. 55-56.

¹⁴ Ўша асар. - Б. 143-144.

¹⁵ Ўша асар. - Б. 369-383. Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Т.: «Ўзбекистон Миллий кутубхонаси», 2006. – Б. 183.

¹⁶ Эргашев А., Омонова Г. Дostonларда айрим урф-одатлар ва миллий қадриятлар. - Қарши. «Насаф», 2000.

юритилади. Рисолада «Ёзи билан Зебо» достонида ифодаланган оилавий-маиший маросимлар оммабоп усулда тавсиф этилади.

Шунингдек, М.Жўраев ва М.Нарзикуловаларнинг ишида¹⁷ халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарида ифодаланган этнографик маълумотлар этнофольклористик йўналишида ўрганилган. Монографияда мифологик тасаввурларга оид культларнинг қадимий илдизлари ва «қизил гул» сайлининг мазмун-моҳияти илмий асосда таҳлил этилади. Муаллифлар табиат, кўкламнинг ўйғониши ҳақидаги мифологик қарашлар ўсимликларни тимсоллаштиришга асосланган **аграр культлар ва магик характердаги рамзий ритуалларнинг юзага келишига замин деб** ҳисоблайди.

Ж.Эшонқулнинг монографиясида¹⁸ эса, анимистик тасаввурлар Ўрта Осиё, умуман, туркий халқларда қадим-қадимдан то бугунги кунгача халқ асотирлари, дostonлари, эртаклари, урф-одат ва анъаналари орқали яшаб келаётганлиги таъкидланади. Муаллиф фикрича, **от ёли, қиз сочи ва арқон магик ритуал характерга эга бўлиб, соч ва ёлда руҳлар мавжудлиги тўғрисидаги анимистик қарашлар маҳсулидир.**

Сўнгги йилларда “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичларига оид фольклоршунос Ш. Турдимов илмий тадқиқот иши¹⁹ алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу ишда Гўрўғлининг туғилиши, болалиги, ор олиши билан боғлиқ сюжет ва ундаги **“алплик дарди”** ва **“алпнинг қайта яралиши”** каби мотивларнинг шомонлик тизими тасаввурлари, **қахрамоннинг ҳомийлари** (Хизр, чилтан, Қамбар, баъзи ўринларда Ҳазрати Али) тадқиқига, **“қахрамоннинг туғилиши”** мотиви ҳамда номланиши дoston вариантлари версиялари таҳлили, **Соқибулбул, Гиркўк, Жунус ва Мисқол пари, Кўмакчи девлар, Аҳмад Сардор** образлари талқини, шунингдек халқимизнинг маросим-байрамлардаги куёш туркум мифлари,

¹⁷ Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Т.: «Ўзбекистон Миллий кутубхонаси», 2006. – Б. 183.

¹⁸ Жаббор Э. Фольклор: образ ва талқин. - Қарши. «Насаф», 1999. – Б. 172.

¹⁹ Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2011. – 42 б.

мавсумий маросимларига тегишли жиҳатларни “Гўрўғли” эпосига қиёслаш орқали дostonнинг **куёш туркум мифлари** ва ушбу тизим билан боғлиқ **мавсумий маросимлар, ишонч-этиқодлар** бадий тарихига оид масалалар ўрганилган.

Ф. Нурманов илмий иши²⁰ да ўзбек халқ дostonларида акс этган Хизр образининг фольклоршуносликда ўрганилиши, Хизр билан алоқадор этиқодий қарашлар, тасаввур ва инончларнинг илмий талқини, Хизр билан боғлиқ халқ қарашлари, Хизр образининг генетик илдизлари қадимий культлар ва инончлар билан алоқадорлиги, Хизр образининг мифологик талқинида **сув билан алоқадор тасаввурлар, шунингдек, дехқончилик маданияти, ҳосилдорлик ва аждодлар культининг Хизр образи** генезисида тутган ўрни каби масалалар ёритилган.

Жанубий Ўзбекистон дostonчилиқ анъаналари жумладан, Сурхон воҳаси тўй маросим фольклорини этнографик²¹ ва санъатшунослик²² нуқтаи-назаридан ўрганилган бир қанча илмий ишлар амалга оширилди. Масалан, Сурхондарё аҳолиси анъанавий маданиятининг локал хусусиятларини тадқиқ этган Н.Н.Турсунов²³, А.Қурбонов²⁴ каби этнографлар ҳамда воҳа халқ кўшиқчилиқ санъатини ўрганган Қ.Панжиевнинг²⁵ номзодлик диссертацияларида ҳам тўй маросими удумлари таҳлилга тортилган. Аммо

²⁰ Нурманов Ф. Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқини. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2007. – 21 б.

²¹ Ҳамроқулова Б. Сурхондарё воҳаси аҳолисининг гўдақ парвариши билан боғлиқ анъанавий урф-одатлари // Замонавий бадий маданиятда фольклор ва халқ ижодиёти. – Бойсун, 2002. – Б.10-11; Аширов А., Қаюмов А. Бойсун аҳолисининг анъанавий турмуш тарзи: ўтмишда ва бугун // Бойсун тарихи ва анъаналари. – Тошкент, 2005. – Б.97-106; Турсунов С., Пардаев Т., Қурбонов А., Турсунов Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.170-192.

²² Абдуллаев Р. Обряды и обрядовый фольклор // История и традиционная культура Байсуна. – Ташкент, 2005, С.288-194; Яна ўша. Обряд и музыка в контексте культуры Узбекистана и Центральной Азии. – Ташкент, 2007; Панжиев Қ.Б. Сурхондарё вилояти ўзбек халқ кўшиқчилиқ ижодиёти: Санъатшунослик фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2010.

²³ Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тарих фанлари номз. дисс. – Тошкент, 2007. – Б.129 -153.

²⁴ Қурбонов А. Шимолий Сурхон воҳаси аҳолисининг суннат тўйи маросимлари // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2003. – Б.74-76; Яна ўша. Этнические и локальные особенности традиционной культуры жителей Северосурханского оазиса (конец XIX – первая половина XX века): Автореф. дисс. канд. истор. наук. – Ташкент, 2009. – С.20-22.

²⁵ Панжиев Қ.Б. Сурхондарё вилояти ўзбек халқ кўшиқчилиқ ижодиёти: Санъатшунослик фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2010.

ушбу ишларда воҳа халқ оғзаки бадиий ижоди яхлит ҳолда тўпланиб, этнологик аспектда тадқиқ этилмаган.

Жанубий Ўзбекистон дostonчилик анъаналари тарихига доир А. Эргашевнинг ишида²⁶ Жанубий Ўзбекистон бахшичилик санъатининг республикамиздаги бошқа поэтик мактабларга ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, воҳа дostonларида акс этган оилавий-маиший маросимлар билан боғлиқ этнографизмлар илмий таҳлилга тортилган.

Шунингдек, «Этнографик тадқиқотларни жадаллаштириш – долзарб масаладир» номли мақолада ҳам «Сурхон воҳаси бўйлаб фольклор экспедицияларини ташкил қилиш ва халқ оғзаки ижодининг барча жанрларига мансуб асарларни ёзиб олиш (ривоят, афсона, эртак, дoston) ва бу халқ оғзаки ижоди намуналарини нашр этиш ва илмий тадқиқ қилиш»²⁷ этнология ва фольклоршунослик фанларининг ҳозирги кундаги долзарб масалаларидан бири эканлигига алоҳида урғу берилган.

Мазкур илмий муаммолар тизимида Сурхондарё тўй қўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари монографик жиҳатдан ўрганилаётганлиги ҳамда бу тадқиқот маросим фольклорининг жанрлар таркиби, генезиси ва поэтикасини барча ҳудудлар материаллари асосида яхлит бадиий тизим сифатида ўрганишда муҳим босқич бўлиши диссертация иши мавзунининг долзарблигини билдиради.

Мустақиллик даврида ўзбек халқ дostonларини этнографик нуқтаи-назардан илмий тадқиқ этиш учун кенг йўл очилди. Жумладан, П. Норбўтаев илмий тадқиқот ишида²⁸ асосан Қашқадарё воҳаси халқ бахшилари дostonларида акс этган чорвачилик, деҳқончилик ва хунармандчилик касбларига оид маълумотлар, болалик даври удумлари, никоҳ маросими ва

²⁶ Эргашев А. Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилиги. – Т.: “Фан”, 2008. – Б. 255.

²⁷ Аширов А.А., Раҳмонов Н., Пидаев Ш.Р., Нозилов Д.А. Этнографик тадқиқотларни жадаллаштириш - долзарб масаладир // «ОАК Бюллетени». - Тошкент, 2009. - 5 – сон. – Б.11.

²⁸ Норбўтаев П. Отражение в народных эпосах этнических особенностей узбеков Кашкадарьинского оазиса (на примере дастанов «Алпамыш» и «Ёзи и Зебо»): Автореф. дисс. канд. истор. наук. – Ташкент, 2010. – 30 с.

кадимий диний эътиқодлар талқини каби этнологик маълумотлар тадқиқ этилган.

Элшунос О. Бўриевнинг ва А. Очиловларнинг Қашқадарё воҳаси этномаданий қадриятларига оид монографияси²⁹да зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” да оила, турмуш анъаналари талқини, муаллифи номаълум “Худуд ул-олам” да **Қашқадарё воҳаси тавсифи**, ўрта асрлар буюк алломалари – йирик тилшунос Маҳмуд Кошғарий, машҳур муаррихлар Абу Бакр ан-Наршахий, Абдулкарим ас-Самъоний, таниқли сайёҳ Ибн Баттута, машҳур тарихшунос академиклар Я. Ғуломов, К. Шониёзов асарларидаги воҳа тарихи ва этнологиясига оид маълумотлар, Қашқадарё воҳаси аҳолисининг этник таркиби ва этносларнинг жойлашуви, Қашқадарё Суғди тарихи, Ғузор тумани аҳолиси этник тарихи, маҳаллий бошқарув тизими, воҳа зиёратгоҳлари ва қадамжолари, Наврўз байрами қадриятлари, оилада **соғлом бола тарбияси удумлари, чилла, бешик қўл, сув, олов, қозон, ҳафта кунлари билан боғлиқ қадимий эътиқодлари, миллий кураш анъаналари**, халқимизнинг меҳр-мурувватлилик фазилатлари каби материаллар илмий таҳлилга тортилган.

Элшунос олим устоз А. Ашировнинг сўнгги йилларда нашр этилган монографияси³⁰нинг **48-49-бетларида** тадқиқ этилаётган мавзуга оид қимматли маълумотлар келтириб ўтилган. Жумладан, этнология фани учун халқнинг тарихий тафаккурини акс эттирувчи халқ оғзаки ижоди намуналари муҳим манба эканлиги, халқ оғзаки ижоди маданиятининг энг қадимги соҳаларидан бўлиб, унинг илдизи инсониятнинг энг қадимги тарихига бориб тақалиши, оғзаки адабиётнинг айрим намуналари қадимги юнон тарихчилари ва Табарий, Маъсудий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Ал Асир каби Шарқ олимларининг асарлари орқали бизгача етиб келганлиги, анъанавий уруғ-жамоавий муносабатлар, хўжалик муносабатларини, умуман олганда туркий халқларга хос миллий этник қадриятларни тадқиқ қилишда **“Гўрўғли”**,

²⁹ Бўриев Б., А. Очилов. Қашқадарё воҳаси этномаданий қадриятлари – Т.: “Янги нашр”, 2014. – 364 б.

³⁰ Аширов А. Этнология. – Т. “Янги нашр”, 2014. – 544 б.

“Алпомиш” каби достонлар, шунингдек, халқ эртаклари ривоятлар, маросим кўшиқлари, матал ва топишмоқларининг ўрни бениҳоят катта эканлигини масаласига алоҳида урғу бериб ўтилган.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, мустақиллик даврида ушбу мавзу юзасидаги долзарб муаммоларга совет даврида тадқиқ этилган илмий ишлардан фарқли уларок, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасидан келиб чиққан ҳолда, изчил илмий ёндошув бошланди. Мустақиллик шароити достонлардаги миллий қадрият, урф-одат ва расм-русумларни этнологик йўналишда тадқиқот объекти сифатида чуқур илмий ўрганишни тақазо қилмоқда. Юқорида келтирилган асарларда ўзбек халқ достонларида талқин этилган этнографик материаллар асосан, фольклоршунослик жиҳатдангина таҳлил этилган. Биргина мақолада мавзуга оид адабиётларнинг баъзи бир жиҳатларигина таҳлилга тортилди, холос. Аммо мазкур мавзу этнолог-тарихшунос олимлар учун алоҳида фундаментал тадқиқ талаб масалалардан бири сифатида қолмоқда

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада этнология фанида ўзбек халқ достонларининг этнографик манба сифатида ўрганилиш тарихшунослиги масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещены изучение историографии узбекских народных дастанов как этнографический источник в науке этнологии.

RESUME

In this article observing the history at the source of ethnographic of uzbek national literature examples have been shown in ethnology.

Норбўтаев Парда Панжиевич

**Қашқадарё вилояти халқ таълими
ходимларини қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш институти
“Ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси мудири**